

ХУҚУҚ

МУСТАҚИЛЛИК

ДЕМАКДИР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРОКУРАТУРАСИНING ГАЗЕТАСИ

27 июнь - Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кун

Ўтган ҳафтанинг муҳим воқеаси

ПРЕЗИДЕНТ БИЛАН УЧРАШУВЛАР

17-18 июнь кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши билан танишиш мақсадида Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида сафарда бўлди.

Икки кун давомида давлатимиз раҳбари Ўзбекистон - Афғонистон чегарасидаги «Айритом» боғжона фаолияти билан яқиндан танишди. Жарқўргон, Қумқўргон, Қамаш, Яккабоғ туманларида бўлиб оддий одамлар билан учрашди, уларнинг турмуш тарзи, ўй-ташвишлари, муаммо-

лари билан қизиқди. Президентимиз Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларига қилган сафарига сарҳадларимиз дахл-сизлиги, деҳқонларга яратиб берилаётган эркинлик, иқтисодий эркинлаштириш билан боғлиқ масалаларга алоҳида эътибор берди.

МАТБУОТ ВА МУСТАҚИЛЛИК

Мустақилликнинг дастлабки йилларида бирин-кетин янги йўналиш, янги овоз ва руҳ билан майдонга чиққан нашрлар кўпайди. Буни табиий ҳол, деб қараган журналистлар қийинчиликлардан чўчимадилар. Бозор иқтисодига ўтиш жараёнида оёққа туриб, ўзини ўнглаб олган нашрлар ичида ҳуқуқий нашрлар ҳам талайгина. Матбуот майдонидаги эркин рақобат шароитида янги соҳа, янги йўналиш билан газета, журнал чиқаришга ўзида журъат топа олган, интилувчан журналистларнинг меҳнатларини эътироф этиш керак.

Ўқорида таъкидланган давлат аҳамиятига молик улугвор вазифанинг бажарилишини таъминлашга ҳисса қўшиш бугунги ҳуқуқий нашрлар фаолиятининг муҳим йўналиши бўлиб қолди.

Бугунги кунда мавжуд ҳуқуқий нашрлар ривожланиш йўлидан дадил одимламоқдалар. Улар камчиликлардан кўз юммасдан, дадил фикрларни, гоёларни илгари суриб, долзарб мавзуларни кўтариб чиқмоқдалар. Фуқароларнинг тегишли ҳуқуқларини тиклаш борасида ҳам ушбу нашрлар анча ишларни амалга оширишга ҳаракат қилмоқдалар.

Бирок, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов куюнчақлик билан таъкидлаганларидек, «...демократлаштириш жараёнида ҳозирча оммавий ахборот воситаларининг фаол роли сезилмаяпти. Улар шу пайтгача ўзларини «тўртинчи ҳокимият» сифатида намоян қилганлари йўқ. ...Оммавий ахборот воситалари мансабдорларнинг тўрачилиги, коррупция, мустабид-

лик ва боқимандалик психологияси йўлида мустақкам гов бўлиб, қонунчилик меъёрларини рўёбга чиқариш, ислохотларнинг бориши ва инсон ҳуқуқларига риоя этилиши устидан назорат қилишнинг таъсирчан воситаси бўлиб қолиши зарур».

Бу вазифалар «Хуқуқ» газетаси ва «Қонун ҳимоясида» журнали ижодий жамоаси зиммасига ҳам катта масъулият юклайди.

Ҳозир тахририятлар ишидаги мавжуд камчиликларни бартараф этиб бориш борасида кенг имкониятлар юзга чиққан. Оммавий ахборот воситалари тўғрисида, журналистик фаолияти, ахборот олиш эркинлиги ва кафолатлари тўғрисидаги қонунларимиз ишлаб турибди.


Қонунлар билан кафолатланган ҳуқуқларимиздан қончаллик тўғри ва самарали фойдалана оلسак, жамият олдидоги бурч ва мажбуриятларимизни чуқур англаб етсагина «тўртинчи ҳокимият» мақоми сари кўтарилса оламиз.

Байрам баҳона ўтган йилларда қилинган ишларимизни сарҳисоб қилиш билан бирга, олдимизда турган, лекин шарафли вазифалар ҳақида ўйлаймиз. Мустақилликни мустақамлаш, жамоатчилик фикрини шакллантириш, нашримизни ҳақиқий халқ минбарига айлантириш ишига янада кўпроқ улуш қўшиш - ҳуллас, бу каби эзгу ниятларимиз кўп. Биз учун энг муҳими - мустақиллик. Бу имконият ҳар биримизга кенг ижод майдонини очиб беради.

Нодир МАХМУДОВ,
«Қонун ҳимоясида»
журналининг масъул котиби.



Ўзбекистон Республикаси
мустақиллигининг
8 йиллиги
олдидан



Ўтаётган ҳар бир кун, ҳар бир дақиқа бизни мустақиллик кунлари сари тобора яқинлаштирмоқда. Биз бу кунни ўзгача ҳаяжон, улкан масъулият билан кўтиб оламиз. Зеро, ҳар бир ўзбекистонлик «мен мустақилликка нима бердим?» дея Ватан олдида ҳисоб беради.

Қашқадарёликлар бу йил ҳам Мустақиллик байрамини ёруғ юз билан қаршиляпти. Вилоят ижтимоий-иқтисодий ҳамда маънавий ҳаётидаги ўзгаришлар, ислохотларнинг дастлабки йирик самаралари, энг муҳими, одамлар руҳияти, дунёқараши ва турмуш тарзидаги янгиланишлар шундан дарак беради. Энг катта ютуғимиз, бойлигимиз шундаки, юртимизда тинчлик ва осойишталик барқарор бўлиб турибди. Зеро, тинчлик шарофати билан халқимиз буюк бунёдкорлик ишларини амалга оширмоқда. Шубҳасиз, бунда ҳуқуқ-тартибот идоралари, хусусан прокуратура идоралари ходимларининг ҳам муносиб улушлари бор. Газетамизнинг ушбу сонидеги вилоят прокуратура идораларининг қонун устиворлигини таъминлаш соҳасида амалга ошираётган ишлари ҳақида материаллар эълон қилинган.

Саҳифаларда:

ИНСОН
ХУҚУҚЛАРИ
МУҚАДДАС

Қашқадарё вилоят прокуратура К.Ғанибоев мақоласи

ЧИНҚИРИБ
ЧОПАЁТГАН
ЧАКИН

Ёш оила жаҳолат қурбони бўлди

